

ISSN 2181-5674

PROBLEMS OF  
**BIOLOGY** *and*  
**MEDICINE**

БИОЛОГИЯ *ва*  
**ТИБИЁТ**  
МУАММОЛАРИ

2024, № 1 (151)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

PROBLEMS OF  
BIOLOGY AND MEDICINE

БИОЛОГИЯ ВА ТИБИЁТ  
МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ БИОЛОГИИ  
И МЕДИЦИНЫ

Научный журнал по теоретическим и практическим  
проблемам биологии и медицины  
**основан в 1996 году**

Самаркандским отделением  
Академии наук Республики Узбекистан  
выходит один раз в 2 месяца

*Главный редактор – Ж.А. РИЗАЕВ*

Редакционная коллегия:

*Н.Н. Абдуллаева, М.М. Абдурахманов,  
Д.Ш. Абдурахманов, Т.У. Арипова, Т.А. Аскаров,  
Ю.М. Ахмедов, А.С. Бабажанов, С.А. Блинова,  
С.С. Давлатов, А.С. Даминов, Ш.Х. Зияуллаев,  
З.Б. Курбаниязов (зам. главного редактора),  
К.Э. Рахманов (ответственный секретарь),  
Б.Б. Негмаджанов, М.Р. Рустамов, Э.Н. Ташкенбаева,  
Ш.Т. Уроков, Н.А. Ярмухамедова*

*Учредитель Самаркандский государственный  
медицинский университет*

**2024, №1 (151)**

ISSN 2181-5674

<https://doi.org/10.38096/2181-5674.2024.1>

## Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100,  
г. Самарканда, ул. Амира Темура, 18.

### Телефон:

(99866) 233-36-79

### Факс

(99866) 233-71-75

### Сайт

<http://pbim.uz/>

### e-mail

[pbim@pbim.uz](mailto:pbim@pbim.uz)  
[sammi-xirurgiya@yandex.ru](mailto:sammi-xirurgiya@yandex.ru)

## О журнале

Журнал зарегистрирован  
в Управлении печати и информации  
Самаркандской области  
№ 09-26 от 03.10.2012 г.

Журнал внесен в список  
утвержденный приказом № 219/5  
от 22 декабря 2015 года реестром ВАК  
при Кабинете Министров РУз  
в раздел медицинских наук

## Индексация журнала



Подписано в печать 27.02.2024

Формат 60×84 1/8

Усл. п.л. 62,3

Заказ 20

Тираж 50 экз.

Отпечатано в типографии СамГМУ  
140151, г. Самарканда,  
ул. Амира Темура, 18

## Редакционный совет:

Х.А. Акилов	(Ташкент)
М.М. Амонов	(Малайзия)
О.А. Атаниязова	(Нукус)
Б.А. Дусчанов	(Ургенч)
А.Ш. Иноятов	(Ташкент)
А.И. Икрамов	(Ташкент)
А.К. Иорданишвили	(Россия)
Б. Маматкулов	(Ташкент)
Ф.Г. Назиров	(Ташкент)
А.Ю. Разумовский	(Россия)
В.М. Розинов	(Россия)
Л.М. Рошаль	(Россия)
Ш.Ж. Тешаев	(Бухара)
А.М. Шамсиев	(Самарканда)
А.К. Шодмонов	(Ташкент)
Б.З. Хамдамов	(Бухара)
М.Х. Ходжибеков	(Ташкент)
Diego Lopes	(Италия)
Jung Young Paeng	(Корея)
Junichi Sakamoto	(Япония)
May Chen	(Китай)
Rainer Rienmuller	(Австрия)
Sohei Kubo	(Япония)

## Содержание

### Клинические исследования

Абдуганиева А.Е.

Эпидемиологические особенности острых кишечных инфекций в Ферганской области

Абдуллајанов Б.Р., *Худайбергенов Ш.Н.*

Садыков Р.А., Турсунов Н.Т., Исаков П.М.

Интраоперационная оценка эффективности нового способа герметизации швов в хирургии легких

Агабабян Л.Р., Исройлова З.Ш.

Кесарево сечение, как причина вторичного бесплодия

Акрамов Б.Р., Матлубов М.М.

Эффективность использования нейроаксиальных блокад при кесаревом сечении у беременных с внебольничной пневмонией и легкой формой респираторной недостаточности

Акрамов Б.Р., Матлубов М.М.

Влияние методов анестезии на процесс ранней постнатальной адаптации новорожденных к условиям внешней среды, рожденных от матерей с внебольничной пневмонией

Алланазаров А.Б.

Оценка эффективности лечения обструктивных бронхитов у часто болеющих детей

Амонов Ш.Э., Каримова М.М.,

Джаббарова Н.Р.

Особенности лечения сенсоневральной тугоухости на фоне токсоплазмоза и цитомегаловирусной инфекции у детей

Бабаджанов А.Х., Туксанов А.И.

Сравнительные результаты эхинококкэктомии из печени при эластичной фиброзной капсуле

Бабажанов А.С., Сайдов Ш.А.

Комплексные лучевые методы диагностики механической желтухи доброкачественного генеза

Бабажанов А.С., Сайдов Ш.А.

Хирургическая коррекция механической желтухи доброкачественного генеза

Бакиева Ш.Х., Каримбердиев Б.И.,

Джусураев Ж.А.

Пешона бўшлиғи қўшма жароҳати бўлған беморларнинг клиник-рентгенологик ва функционал текширув натижалари

Буляев З.К., Ризаев Ж.А., Утепов П.Д.

Особенности проявления эпидемического процесса вирусного гепатита «А» среди детского населения Республики Узбекистан

## Contents

### Clinical studies

10

Abduganieva A.E.

Epidemiological features of acute intestinal infections in the Ferghana region

13

Abdullajanov B.R., *Khudaybergenov Sh.N.*

Sadykov R.A., Tursunov N.T., Isakov P.M.

Intraoperative evaluation of the effectiveness of a new method of sealing sutures in lung surgery

21

Agababyan L.R., Isroilova Z.Sh.

Caesarean section as a cause of secondary infertility

24

Akramov B.R., Matlubov M.M.

Efficacy of neuroaxial blockades during cesarean section in pregnant women with community-acquired pneumonia and mild respiratory failure

32

Akramov B.R., Matlubov M.M.

Influence of anesthesia methods on the process of early postnatal adaptation of newborns to environmental conditions born to mothers with community-acquired pneumonia

40

Allanazarov A.B.

State of cytokines in acute obstructive bronchitis in frequently ill children

44

Amonov Sh.E., Karimova M.M., Jabbarova N.R.

Features of treatment of sensoneural hearing loss due to toxoplasmosis and cytomegalovirus infection in children

49

Babajanov A.Kh., Tuksanov A.I.

Comparative results of echinococcectomy from the liver with an elastic fibrous capsule

56

Babajanov A.S., Saidov Sh.A.

Complex radiation methods for diagnostics of benign genesis obstructive jaundice

62

Babajanov A.S., Saidov Sh.A.

Surgical correction of occupipal jaundice of benign genesis

66

Bakieva Sh.Kh., Karimberdiev B.I., Juraev J.A.

Results of clinical-x-ray and functional examination of patients with combined injury of the frontal sinus

72

Bulyaev Z.K., Rizaev J.A., Utepov P.D.

Features of manifestation of the epidemic process of viral hepatitis «A» among the child population of the Republic of Uzbekistan

**ПЕШОНА БҮШЛИГИ ҚҰШМА ЖАРОХАТИ БҮЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ КЛИНИК-РЕНТГЕНОЛОГИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ТЕКШИРИУВ НАТИЖАЛАРИ**



Бакиева Шахло Хамидуллаевна, Каримбердиев Баҳридин Исматуллаевич,  
Джураев Жамол Абдуқаҳхоровиҷ  
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**РЕЗУЛЬТАТЫ КЛИНИКО-РЕНТГЕНОЛОГИЧЕСКОГО И ФУНКЦИОНАЛЬНОГО  
ОБСЛЕДОВАНИЯ БОЛЬНЫХ С СОЧЕТАННОЙ ТРАВМОЙ ЛОБНОЙ ПАЗУХИ**

Бакиева Шахло Хамидуллаевна, Каримбердиев Баҳридин Исматуллаевич,  
Джураев Жамол Абдуқаҳхоровиҷ  
Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**RESULTS OF CLINICAL-X-RAY AND FUNCTIONAL EXAMINATION OF PATIENTS WITH  
COMBINED INJURY OF THE FRONTAL SINUS**

Bakieva Shakhlo Khamidullaevna, Karimberdiev Bakhriddin Ismatullaevich, Juraev Jamol Abdukakhhorovich  
Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [info@tta.uz](mailto:info@tta.uz)

**Резюме.** Бурун ёндош бўшлиқларининг қўшма жароҳати (БЁБҚШ) 95% ҳолларда юз суюклари ва бош суюгининг жароҳати билан кечади. Ушибу тоифага кирувчи беморларда бурун ёндош бўшлиқлари (БЁБ) жароҳатининг мавжудлиги жароҳатдан кейинги ҳам эрта, ҳам кечки даврларда ўзини намоён қиласидиган юқумли асоратларниң юқори частотаси билан тавсифланади. Қўшма жароҳатларда асоратларниң частотаси 80% га етади ёки ундан ошади, ўлим 33% дан 90% гачани ташкил қиласиди.

**Калим сўзлар:** Бурун ёндош бўшлиқлари, қўшма жароҳатлар, ётиқ бош-мия жароҳати.

**Abstract.** In 95% of cases, combined trauma of the paranasal sinuses is accompanied by trauma to the bones of the face and skull. The presence of injuries to the paranasal sinuses in patients in this category is characterized by a high frequency of infectious complications, which manifest themselves both early and late after the injury. For joint injuries, the complication rate reaches or exceeds 80%, mortality ranges from 33% to 90%.

**Key words:** paranasal sinuses, joint injuries, closed craniocerebral injury.

**Кириш.** Қўшма жароҳат замонавий тиббиёт фанидаги долзарб муаммолардан биридир. Ижтимоий жамиятдаги урбанизация, ишлаб чиқаришдаги илмий-техник тараққиёт ва транспорт - қўшма жароҳатлар сонининг кўпайишига сезиларли таъсир кўрсатади [4].

Сўнгги йилларда жароҳатланишлар интенсив равишда ўсмоқда. Масалан, ўтган асрнинг ўрталарида йўл-транспорт ҳодисаларида бир неча киши жароҳатланган ва ўлим даражаси йилига 100 кишига яқин бўлган ҳамда 1980 йилда автоҳалокатлар натижасида 6 миллиондан ортиқ киши жабрланган бўлса, бугунги кунда бу ракам анча юқори кўрсаткичларга эга [1-3].

ЖССТ маълумотлари шуни тасдиқлайдики, бугунги кунда йилига 10 миллионга яқин одам

автоҳалокатлардан жароҳат олмоқда ва уларнинг 2,5-3 миллиони вафот этмоқда [5].

Ёшлар ўртасидаги қўшма жароҳатлар ўлим сабаблари орасида биринчи ўринда, катталарда эса, фақат онкологик ва юрак-қон томир касалликларидан кейин учинчи ўринда туради [6-11].

Қўшма жароҳатлар сон жиҳатдан камаймаётганлиги, доимо клиник манзарасининг ўзгариб туриши туфайли долзарблигича қолмоқда. Жароҳатланишнинг бундай ўсишини ижтимоий-маиший муносабатларнинг бекарорлиги, автомобил ишлаб чиқаришнинг доимий ўсиши, ишлаб чиқаришнинг технологик ўсиши ва бошқалар таъминлайди [12].

Қўшма жароҳат, айниқса бош - жағ - юз жароҳати, кўпинча БЁБнинг жароҳати билан

кечади ва кўпинча юқори жағ ва пешона бўшликлари шикастланади. Бўшликлар деворларининг жароҳати кўпинча сиқилиш характеристига эга ва улар суяқ бўлакларининг синусга силжиши билан бирга кечади [13-19].

Адабиётлардаги маълумотларга кўра, ЛОР-аъзолар жароҳатларининг 43-53,3% бурун ва БЁБ жароҳатларига тўғри келади. Камида 90% ҳолларда кўз косаси деворларининг синиши кўз косасини ўраб турган БЁБларнинг шикастланиши билан бирга кечади.

**Натижалар.** Пешона бўшликлари синган bemорлар пешона соҳасидаги оғриклирга (n=46; 100%), бош оғриғи (n=46; 100%), бош айланиши (n=43; 93%), кўнгил айниши (n=16; 34%), бурундан қон кетишига (n=16; 34%) шикоят қилишибди.

Беморларнинг 95,6%да (n=44) ёпиқ бошмия жароҳати, bemорларнинг 4,4%да (n=2) очик бошмия жароҳати қайд этилди.

46 нафар bemордан 58,6%да (n=27) юз юмшоқ тўқималарининг шикастланиши қайд


етилди, уларда кўпинча тери ости гематомаси ва юмшоқ тўқималарнинг шишиши аниқланди, 19,5% (n=9) bemорларда юмшоқ тўқималарнинг очик шикасти суяқ бўлакларининг силжиши билан кузатилди.

Bеморларнинг 8,6%да (n=4) бош суягининг асосига ўтган юз суякларининг синиши қайд этилди. Ушбу гурухдаги барча bemорларга биринчи ёрдам кўрсатиш қон кетишини тўхтатиш, жароҳатга бирламчи хирургик ишлов бериш, нафас олиш, юрак-қон томир тизимлари фаолиятини тиклашни ўз ичига олади (1-жадвал).


Ташки текширув вақтида юмшоқ тўқималарнинг шишиши туфайли юз асимметрияси, деформация 89% (n=41) bemорларда, 32% (n=15) bemорларда эса пешона соҳасида нуқсон аниқланди (1-расм). Палпация 100% bemорларда (n=46) оғрикли бўлди, 39,1% (n=18) bemорларда тери ости эмфиземаси, 89% (n=41) bemорларда “зинапоя” симптоми, bemорларнинг 50% (n=23) да пешона соҳаси тери сезувчанлигининг пасайиши қайд этилди.

**Жадвал 1.** Пешона деворлари кўшма жароҳатининг симптомлари n=46 (100%)

Симптомлар	Сони	
	абс	%
Пешона соҳасидаги оғриқ	46	100
Бош оғриғи	46	100
Бош айланиши	43	93
Кўнгил айниши	16	34
Бурундан қон кетиши	16	34
Юз юмшоқ тўқималарининг шикастланиши	27	58,6
Юмшоқ тўқималарнинг гематомаси ва шишиши	9	19,5
Пешона соҳасининг деформацияси	41	89
Пешона соҳаси нуқсони	15	32
Тери ости эмфиземаси	18	39,1
“Зинапоя” симптоми	41	89



сагиттал кесма



горизонтал қисм

**Расм 1.** Пешона бўшлиғи олд деворининг синиши

**Жадвал 2.** Пешона бўшлиғи деворлари шикастланган беморларда олфактометрия кўрсаткичлари n=46 (100%)

Хид сезиш бузилишининг даражаси	Сони	
	абс	%
I – даражада (0,5%ли сирка кислотасининг ҳидини ажратада олмайди)	30	65,3
II - даражада (сирка кислотаси, этил спиртиниң ҳидини ажратада олмайди)	10	21,7
III – даражада (фақат нашатир спирти ҳидини ажратада олади)	4	8,7
IV – даражада (хеч қандай ҳидни сезмайди)	2	4,3
Жами	46	100

**Жадвал 3.** Пешона бўшлиғи деворлари шикастланган беморларда бурун секрети кўрсаткичлари (pH) n=46 (100%)

Параметрлар	Назорат гурӯҳи, n=20	Суяк бўлаклари силжимаган, n=30	Суяк бўлаклари силжиган, n=16
pH	7,15±0,007	6,10±0,004*	5,9±0,002**

Изоҳ: \* - назорат гурӯҳи маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли ( $P<0,02$ ), \*\* - назорат гурӯҳи ва суяк бўлаклари силжиган беморлар натижаларига нисбатан фарқлар - ( $P<0,05$ )

МСКТ текшируvida беморларнинг 95,6%да (n=44) пешона бўшлиғи олд деворининг синиши, фақат 4,4%дагина (n=2) олд ва орқа деворининг синиши аниқланди. Беморларнинг 95,6%да (n=44) МСКТ синусларда қон борлигини кўрсатди, фақат 1 та беморда синусларда сероз суюклик мавжудлиги қайд этилди. Беморларнинг 34%да (n=16) пешона бўшлиғи олд девори суяк бўлакларининг силжиши, беморларнинг 65,3 %да (n=30) эса, пешона бўшлиғи деворларининг синиши суяк бўлакларининг силжишизиз кузатилди.

Бундан ташқари, пешона бўшлиғи жароҳатланган беморларда биз (n=9; 19%) бурун тўсигининг қийшайишини (S-симон, тизма, ўсимта), ўрта бурун чиганоғининг пневматизацияси (concha bullosa) (n=5; 11%) мавжудлигини, бурун тўсигининг С-симон эгрилигини (n=16; 34%), ўрта бурун чиганоғининг ёнга силжишини (n=6; 13%), тумшуқсимон ўсиқнинг гипертрофиясини (n=16; 34%) аниқладик.

Олфактометрия куйидаги схема бўйича амалга оширилди:

I даражада - енгил даражадаги гипосмия - кучсиз ҳидларни (атиргул мойи, асал муми, майдаланган қаҳва) сезишнинг бузилиши, 0,5% сирка кислотаси ҳидини сезмайди;

II даражада - яққол гипосмия - кучсиз ва ўртача ҳидларни (лимон ёғи, ванилин, майдаланган долчин, валериана дамламаси, чиннингуллар, тамаки) сезмайди, сирка кислотаси, этил спирти ҳидини фарқлай олмайди;

III даражада - сезиларли гипосмия - кучсиз ва ўртача ҳидларни сезмаслик, кучли интенсивликдаги ҳидларни сезишнинг пасайиши, таъсировчи моддаларга яхши реакция (сирка кислотаси эритмасининг кучли моддаси, этил спирти, ментол, камфора ёғи) (таъсировчи

моддалар – нашатир спирти, формалдегид, ацетон ), фақат нашатир спиртининг ҳидини ажратада олади;

IV даражада - аносмия (хеч қандай ҳидни ажратада олмайди).

Олфактометрия маълумотлари шуни кўрсатдик, беморларнинг 65,3%да (n= 30) енгил гипосмия, 21,7%да (n=10) яққол гипосмия ва 8,7% да (n=4) сезиларли даражадаги гипосмия ва 4,3%да (n=2) аносмия қайд этилди (2-жадвал). Ушбу хид сезиш бузилишлари периферик хид рефлексининг шикастланиши билан боғлиқ бўлиб, уни олфакториянинг бузилиши деб баҳолаш мумкин, суяк бўлакларининг силжиши бўлмаган беморларда бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг шишиши сабабли бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳид билиши бузилади. Суяк бўлакларининг силжиши ва мия шикастланиши бўлган беморларда хид сезишнинг ҳам периферик, ҳам марказий қисмлари бузилади.

Беморларнинг ушбу гурӯҳида бурун секретининг pH қийматини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдик, суяк бўлаклари силжимаган (n=30) беморларда кислотали мухитга силжиш (n=20) назорат гурӯхига ( $7,15\pm0,007$ ) нисбатан  $6,10\pm0,004$  ( $P<0,02$ ) ни ташкил этди ва суяк бўлаклари силжиган (n=16) беморларнинг кўрсаткичлари суяк бўлаклари силжимаган беморларга қараганда янада пастрокни  $5,9\pm0,002$  ташкил этди ( $P<0,05$ ) (3-жадвал).

Мукоцилиар клиренс натижалари шуни кўрсатдик, суяк бўлаклари силжимаган n=30 беморларда сахарин вақти назорат гурӯхидаги беморларга  $18,1\pm0,03$  ( $P<0,02$ ) қараганда  $21,1\pm0,05$  га узокроқ, суяк бўлаклари силжиган n=16 беморларда эса, ушбу вақт назорат гурӯхига қараганда янада узокроқ  $22,3\pm0,04$  давом этди ( $P<0,05$ ) (4-жадвал).

**Жадвал 4.** Пешона бўшлиғи деворлари шикастланган bemорларда мукоцилиар клиренс кўрсаткичлари n= 46 (100%)

Параметрлар	Назорат гурухи, n=20	Суяк бўлаклари силжимаган, n=30	Суяк бўлаклари силжиган, n=16
Сахарин вақти, дақиқа	18,1±0,03	21,1±0,05*	22,3±0,04**

Изоҳ: \* - назорат гурухи маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли ( $P<0,02$ ), \*\* - назорат гурухи ва суяк бўлаклари силжиган bemорлар натижаларига нисбатан фарқлар - ( $P <0,05$ )

**Жадвал 5.** Пешона бўшлиғи деворлари шикастланган bemорларда бурун шиллик қаватининг сўриш функцияси кўрсаткичлари n=46 (100%)

Параметрлар	Назорат гурухи, n=20	Суяк бўлаклари силжимаган, n=30	Суяк бўлаклари силжиган, n=16
1% атропинни сўриш вақти, дақиқа	67±0,03	73±0,05*	75±0,04**

Изоҳ: \* - назорат гурухи маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли ( $P<0,02$ ), \*\* - назорат гурухи ва суяк бўлаклари силжиган bemорлар натижаларига нисбатан фарқлар - ( $P <0,05$ )

**Жадвал 6.** Пешона бўшлиғи деворлари шикастланган bemорларда буруннинг ажратиш функцияси кўрсаткичлари n=46 (100%)

Параметрлар	Назорат гурухи, n=20	Суяк бўлаклари силжимаган, n=30	Суяк бўлаклари силжиган, n=16
Пахтали шарча оғирлиги, мг	38,1±0,03	41,1±0,04*	43,2±0,05**

Изоҳ: \* - назорат гурухи маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли ( $P<0,02$ ), \*\* - назорат гурухи ва суяк бўлаклари силжиган bemорлар натижаларига нисбатан фарқлар - ( $P <0,01$ )

Мукоцилиар клиренснинг ушбу бузилишлари бурун шиллик қаватининг шикастланиши ва шишиши билан боғлик бўлиб, бу шиллик ҳаракатининг секинлашишига олиб келди, суяк бўлаклари силжиган bemорларда эса, ушбу бузилиш бурун бўшлиғи архитектоникасининг бузилишига олиб келадиган суяк бўлакларининг силжиши туфайли янада кучаяди.

Бурун шиллик қаватининг сўриш функциясини ўрганиш қуйидагича ўтказилди: бунда атропиннинг 1% эритмаси билан намланган докали турунда буруннинг текширилаётган ярмининг бурун йўлига 15 дақиқага қўйилди. Натижалар шуни кўрсатдик, суяк бўлаклари силжимаган n=30 bemорларда  $73\pm0,05$  дақиқани ташкил этди, яъни мидриаз (кўз қорачишининг торайиши) назорат гурухи кўрсаткичдан ( $P<0,02$ )  $6\pm0,02$  дақиқа кечроқ содир бўлди ва суяк бўлаклари силжиган n=16 bemорларда ушбу кўрсаткич  $75\pm0,04$  дақиқани ташкил этди, яъни мидриаз назорат гурухига караганда  $8\pm0,04$  дақиқага кечроқ содир бўлди ( $P<0,05$ ) (5-жадвал).

Буруннинг ажратиш функциясини ўрганишга ҳам катта аҳамият берилди. Бунинг учун бурун бўшлиғига оғирлиги 25 мг бўлган пахтали шарча пастки бурун чифаноги ва бурун тўсиги ўртасига киритилди. 1 дақиқадан сўнг пахта шарчаси олинди ва тарозида тортилди.

Натижалар шуни кўрсатдик, суяк бўлаклари n=30 силжимаган bemорларда шарчанинг массаси  $41,1\pm0,04$  мг ни ташкил этди, яъни назорат гурухи оғирлигидан  $3,1\pm0,04$  мг га оғирроқ бўлди ( $P<0,02$ ) ва суяк бўлаклари n=16 силжиши бўлган bemорларда эса, бу кўрсаткич  $43,2\pm0,05$  мг ни ташкил этди, яъни назорат гурухи оғирлигидан  $5,1\pm0,04$  мг га оғирроқ бўлди ( $P<0,01$ ) (6-жадвал).

7-жадвалдан кўриниб турибди, пешона бўшлиғи деворлари шикастланган bemорларни даволаш динамикасида назорат гурухига нисбатан нейтрофилларнинг кўпайиши қайд этилди. Назорат гурухидаги нейтрофилларнинг мутлак сони  $53,9\pm5,7$  га teng бўлди, бу bemорларда биринчи 1-3 кунларда нейтрофилларнинг мутлак сони  $53,8\pm5,8$  ни, 7-куни  $54,7\pm5,4$  ни, 14-куни эса кўпайиб,  $55,9\pm5,6$  ни ташкил этди, даволаш охирида эса, яъни 21-куни  $56,1\pm5,7$  га teng бўлди, назорат гурухи кўрсаткичига нисбатан фарқ сезиларли бўлди ( $P<0,01$ ).

Назорат гурухидаги макрофагларнинг абсолют сони  $0,39\pm0,1$  ни ташкил этди, bemорларда эса, биринчи 1-3 кунда  $0,38\pm0,1$  га, 7-кунда  $0,40\pm0,1$  га, 14-кун эса кўпайиб,  $0,39\pm0,2$  га, даволаш охирида, яъни 21-кунда  $0,40\pm0,2$  га teng бўлди, назорат гурухи кўрсаткичидан сезиларли фарққа эга бўлди ( $P<0,01$ ).

**Жадвал 7.** Пешона бўшлиғи шикастланган беморларда бурун бўшлиғи суртмасини цитологик текшириш (риноцитограмма)

Кўрсаткичлар		Назорат гуруҳи n=20	1-3 кун n=26	7 кун n=21	14 кун n=26	21 кун n=26
Нейтрофиллар	% да	49,3±2,7	49,2±2,5	50,1±2,5*	51,3±2,8*	52,1±2,7**
	абс. сон.	53,9±5,7	53,8±5,8	54,7±5,4*	55,9±5,6*	56,1±5,7**
Лимфоцитлар	% да	0,6± 0,09	0,6± 0,08	0,7± 0,09*	0,7± 0,09*	0,8± 0,07**
	абс. сон.	0, 7±0,08	0, 7±0,08	0, 8±0,09*	0, 8±0,09*	0, 9±0,06**
Макрофаглар	% да	0,3±0,06	0,3±0,06	0,3±0,06	0,3±0,06	0,3±0,06
	абс. сон.	0,39±0,1	0,38±0,1	0,40±0,1	0,39±0,2	0,40±0,2
Эозинофиллар	% да	0, 09±0,05	0, 09±0,05	0, 09±0,05	0, 09±0,05	0, 09±0,05
	абс. сон.	0,12±0,05	0,12±0,04	0,12±0,04	0,12±0,03	0,12±0,02
Цилиндрический эпителий	% да	27,87±3,21	27,87±3,21	27,87±3,21	27,87±3,21	27,87±3,21
	абс. сон.	26,92±3,08	26,91±3,07	26,93±3,08	26,91±3,07	26,94±3,07
Ясси эпителий	% да	4,89±0,59	4,88±0,58	4,88±0,58	4,87±0,60	4,91±0,61
	абс. сон	4,12±0,9	4,12±0,9	4,12±0,9	4,12±0,9	4,12±0,9
Чешуйки	% да	18±4,1	19±4,3	19±4,5*	20±4,3**	21±4,2**
	абс. сон.					
Микроорганизм-лар фагоцитози	% да	22,09±2,5	22,07±2,4	23,09±2,2*	23,07±2,1*	24,19±2,1**
	абс. сон.					

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли ( $P<0,02$ ), \*\*- назорат гуруҳи ва 1-3 кун маълумотларига нисбатан фарқлар ( $P<0,01$ )

Назорат гуруҳидаги микроорганизмларинг фагоцитоз кўрсаткичи  $22,09\pm2,5$  ни ташкил этди, беморларда дастлабки 1-3-кунда бу кўрсаткич  $22,07\pm2,4$  га, 7-кун  $23,09\pm2,2$  га, 14-кун  $23,07\pm2,1$  га, 21-кун  $24,19\pm2,1$  га тенг бўлди, яъни назорат гуруҳи кўрсаткичидан сезиларли даражада фарқ қилди.

Лимфоцитлар, эозинофиллар, цилиндрический эпителий, ясси эпителий ва чешуйкилар даражаси назорат гурухидан фарқ қилмади. 14- ва 21-кунларда даволаш динамикасида бурун бўшлиғида яллиғланиш кучаяди, бу эса, жароҳатдан кейинги асоратларни олдини олиш учун даволашда коррекциялашни талаб қилади, деган хulosага келиш мумкин.

**Хулоса.** Шундай килиб, умумлаштириб, хulosas килиш мумкин, ўтказилган тадқикотлар натижаларига кўра, ЮЖБнинг шикастланиши, унинг функциясининг бузилишига олиб келадиган ЮЖБ ҳажмининг кичрайиши билан бирга кечиши аниқланди. Кўпинча юқори девор шикастланади (76%). Шунинг учун комплекс даво талаб этилади

#### Адабиётлар:

- Hasanov U. S., Khaitov O. R., Djuraev J. A. Peculiarities of the state of hearing and cerebral hemodynamics in patients with deviation of the nasal septum // Uzbekskiy Meditsinskiy Journal. - 2021. - T. 2. - no. 2.
- Djuraev J. A. i dr. Result analysis chastoty raspredelenie polymorphizma rs1800895 592C> a v gene IL10 SREDI BOLNYX S XPRS //Universum: medicine and pharmacology. – 2023. – no. 3 (97). - S. 11-16.
- Hasanov U. S., Djuraev J. A., Shaumarov A. Z. RESULT Analysis chastoty raspredelenie polymorphizma a1188c rs3212227 v gene Il 12b sredi patsientov S XPRS, xrs i kontrolnoy vyborke : dis. - 2023.
- Hasanov U. S., Djuraev J. A., Shaumarov A. Z. Result analysis frequency distribution polymorphizma RS1800895 592C> A V GENE IL10 SREDI BOLNYX S XPRS : dis. - 2023.
- Hasanov U. S. i dr. Innovative approaches in the treatment of head and neck button anomalies. - 2022.
- Rakhimov A. A., Hasanov U. S., Djuraev J. A. Osobennosti microbiologicheskogo peyzaja slizistoy obolochki nosa posle simultannyx hururgicheskix

- operativnyx vmeshatelstv v nosovoy polosti //Nauchnye issledovaniya v vyshey skole: novye idei, problems vnedreniya, poisk resheniy. - 2022. - S. 142-144.
7. Djuraev J. A., Khasanov U. S. RESULTS OF Analysis of the frequency analysis of il4 gene c589t rs2243250 polymorphism among patients with chronic polyposis rhinosinusitis // journal of biomedicine and practice. - S. 77.
8. Djuraev J. A. Lipofilling method to eliminate deformities of the face and jaw area. - 2022.
9. Khodjanov Sh. X. i dr. Clinical and morphological characteristics of anthrochanal polyps // Uzbek medical journal. - 2020. - T. 6. – no. 1.
10. Khamdamovich K. Yo., Djuraev J. A., Yusupov Sh. Sh. Comparative analysis of the frequency of the RS1801394 66A>G polymorphism in the MTR gene in patients with post-COVID-19 complications in the maxillofacial region. - 2022.
11. Khamdamovich K. Yo., Djuraev J. A., Yusupov Sh. Sh. Comparative analysis of the frequency of the RS1801133 66A>G polymorphism in the MTHFR gene in patients with post-COVID-19 complications in the maxillofacial region. - 2022.
12. Hasanov U. S. i dr. Primary and revision rhinoplasty. - 2022.
13. Khasanov US, Abdullaev UP, Djuraev JA Results of audiological examination in acute sensoneural hearing loss of different genesis //Oriental Journal of Medicine and Pharmacology. - 2022. - T. 2. – no. 1. – S. 24-50.
14. Zulunov BS et al. The importance of genetic factors in the treatment of chronic polyposis rhinosinusitis //Eurasian Journal of Otorhinolaryngology-Head and Neck Surgery. - 2023. - T. 2. - S. 71-75.
15. Khasanov US et al. Rezultati analiza chastoty raspredelenie polymorfisma rs1800895 592c> a v gene IL10 sredi bolnyx s XPRS //Eurasian Journal of Otorhinolaryngology-Head and Neck Surgery. - 2023. - T. 2. - S. 104-108.
16. Khasanov US et al. Results of audiometrical indicators of cochlevestibular disorders in patients with arterial hypertension disease //Oriental Journal of Medicine and Pharmacology. - 2023. - T. 3. – no. 02. – S. 26-36.
17. Khasanov US, Abdullaev UP, Djuraev JA Results of audiological examination in acute sensorineural hearing loss of various genesis //Oriental Journal of Medicine and Pharmacology. - 2022. - T. 2. – no. 01. – S. 24-50.
18. Khasanov US et al. Results of prevalence analysis of IL 12b gene a1188c rs3212227 polymorphism among patients with chronic polyposis rhinosinusitis //Eurasian Journal of Otorhinolaryngology-Head and Neck Surgery. - 2023. - T. 2. - S. 109-115.
1. Boymuradov SA et al. Characteristics of diagnostic joint injuries of the facial skeletal bone taking into account the hemoreological characteristics of blood //Oriental Journal of Medicine and Pharmacology. - 2022. - T. 2. – no. 1. – S. 51-63.

### **РЕЗУЛЬТАТЫ КЛИНИКО-РЕНТИНОЛОГИЧЕСКОГО И ФУНКЦИОНАЛЬНОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ БОЛЬНЫХ С СОЧЕТАННОЙ ТРАВМОЙ ЛОБНОЙ ПАЗУХИ**

Бакиева Ш.Х., Каримбердиев Б.И., Джураев Ж.А.

**Резюме.** В 95% случаев сочетанная травма окононосовых пазух сопровождается травмой костей лица и черепа. Наличие повреждений окононосовых пазух у больных этой категории характеризуется высокой частотой инфекционных осложнений, которые проявляются как в ранние, так и в поздние сроки после травмы. При травмах суставов частота осложнений достигает и превышает 80%, летальность колеблется от 33% до 90%.

**Ключевые слова:** окононосовые пазухи, травмы суставов, закрытая черепно-мозговая травма.